

## АХБОРОТ ЭРКИНЛИГИ ВА МАСЪУЛИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ – ДЕМОКРАТИК РИВОЖЛАНИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Фарҳод Лапасович Усмонов,

Тошкент давлат иқтисодиёт университети доцент в.б.,  
Ўзбекистон, Тошкент.

### АННОТАЦИЯ

Уибу мақолада Ўзбекистонда ахборот эркинлиги ва масъулиятини оширишининг долзарб масалалари ҳақида сўз боради. Ахборотлашган жамият сари жадал интилиши жараёнида ахборотнинг тез ва сифатли айланиси таҳдил этилади. Шунингдек, ахборот олии эркинлигини таъминлаш орқали жамоатчилик назоратини самарали амалга ошириши, мамлакатдаги ислоҳотлардан фуқароларнинг хабардорлиги демократик жараёнларни англашда муҳим роль ўйнаши баён қилинади.

**Калим сўзлар:** ахборот, масъулият, эркинлик, демократия, ҳуқуқ, OAB, коммуникация, сиёсий плюрализм, жамият.

### ABSTRACT

*This article discusses the pressing issues of increasing freedom of information and responsibility in Uzbekistan. The rapid and high-quality circulation of information in the process of rapid progress towards an information society is analyzed. It is also explained that ensuring freedom of information plays an important role in the effective implementation of public control, and the awareness of citizens about reforms in the country plays an important role in understanding democratic processes.*

**Keywords:** information, responsibility, freedom, democracy, law, media, communication, political pluralism, society.

### КИРИШ

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон концепциясида, ахборот эркинлиги адолатпарварликнинг инсон шахсига хос қадр-қиммат, барча одамларнинг тенг ва ажralmas ҳуқуқларини ифода этишининг зарурий, мажбурий элементлари сирасига киритилган. Туғма ва табиий сўз эркинлигига эга ҳар бир фуқаро, ўзининг янги ғояларини илгари суриши мумкин. Ғарб мамлакатларида француз файласуфи Ж.Ж.Руссо ва унга замондош бўлган маърифатпарварларнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари натижаси турли ҳуқуқий-меъёрий хужжатлар ва декларацияларда ўз ифодасини топганлигини кўрамиз. Мисол учун, 1689 йилда қабул қилинган Ҳуқуқлар тўғрисидаги Биллда: «Сўз, фикр ва ҳужжатлар

эркинлиги Парламент томонидан чекланиши ёки Парламентдан бошқа бирон-бир суд ёхуд бошқа жойда кўриб чиқилиши мумкин эмас»лиги қайд этиб қўйилган<sup>1</sup>. 1789 йили Францияда қабул қилинган Инсон ва фуқаро хукуклари тўғрисидаги Декларациянинг 10-моддасида ҳеч ким ўз фикри, ҳатто, диний қарашлари учун, агарда улар қонунда белгиланган ижтимоий тартибга зиён етказмаса, сиқувга олинмаслиги лозимлиги эътироф этилган. Бугунги кунда жамиятда фуқаролар хукуқ ва эркинлигини таъминлаш демократик давлатнинг белгиловчи хусусиятидир. Чунки, «Демократия ҳукумат ва сиёсий тизимга ўз фаолиятини жамиятнинг объектив эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда ташкил этиш имконини беради»<sup>2</sup>. Демократик давлатдагина инсонларнинг алоҳида ва умумий қарашларини қонун доирасида ҳимоя қилиш ва тарғиб қилиш имконияти юзага келади. Бу сиёсий партиялар, жамоат бирлашмаларини шакллантириш ва улар фаолиятида, сиёсий плюрализм, матбуот эркинлиги ва бошқа жиҳатларда ўз ифодасини топмоқда<sup>3</sup>. Шу маънода, ҳукуматнинг сайловчилар олдида ҳисобот беришини таъминлайдиган демократик жараёнлар билан уйғун ҳолда, сўз эркинлиги инсон ҳукукларини ҳимоя этишнинг муҳим воситаларидан бирига айланади.

## АСОСИЙ ҚИСМ

«Башарият ўзининг азалий орзуси — инсон қадр-қиммати, хукуқ ва эркинликлари устувор бўлган, фаровонлик ва тараққиёт, имкониятлар ва эзгу ниятларнинг рўёбга чиқиши учун зарур шароитлар яратилган, адолат, ҳамкорлик, тенглик ва қонун устуворлиги каби демократия тамойиллари мустаҳкам қарор топган, тинчлик-тотувлик ва осойишталик ҳукмрон бўлган, барқарор ривожланаётган дунё сари интилмоқда»<sup>4</sup>. Бунда умуминсоний аҳамият касб этаётган ахборот эркинлиги масаласининг долзарблиги ортиб бормоқда.

Ахборот эркинлиги – инсоннинг ўзлигини намоён қилишида аҳамияти катта бўлиб, шахсий ҳаётига ўзининг розилигисиз ўзгаларнинг аралashiшига йўл қўйилмайдиган табиий ва ажralmas ҳукуқидир. Дунё миқёсида ахборотнинг эркин тарқатилишига оид бир қанча ҳалқаро миқёсдаги ҳужжатлар қабул қилинган. «1991 йил мустақил ва плюралистик Африка матбуотини ривожлантириш ҳамкорлиги ҳақида Виндхук декларацияси, 1992 йил Осиёда мустақил ва плюралистик матбуотни ривожлантириш ҳамкорлиги ҳақида Алмата декларацияси, 1994 йил Сантьяго декларацияси, 1996 йилда Араб ОАВ

<sup>1</sup> Международные акты о правах человека. Сб. документов. М.: НОРМА-ИНФРА, 1998. – С. 15.

<sup>2</sup> Popper, Karl Raimund, The open society and its enemies. Princeton, N.J., 1963. – P.59.

<sup>3</sup> Общая теория государства и права. – М., 1994. – С. 239.

<sup>4</sup> Мирзиёев Ш.М. Ҳозирги замон ва Янги Ўзбекистон. – Тошкент: “О‘zbekiston” нашриёти, 2024, 560 б.

ривожлантириш ҳамкорлиги ҳақида декларация, 1997 йилда мустақил ва плюралистик ахборот воситаларини мустаҳкамлаш София декларацияси (асосан, Марказий ва шарқий Европа давлатлари учун), 2003 йилда Ахборотлашган жамият масалалари бўйича олий даражадаги умумжаҳон учрашувларида Женевада қабул қилинган Тамойиллар декларацияси имзоланган»<sup>5</sup>. Эркин ва фаровон» жамият қуриш мақсади, қонунларини рад этиш, масъулиятни назар-писанд қилмаслик асосида эмас, балки шу жамиятнинг тараққиётга эришишида масъулиятни янада теранроқ англашимизни тақозо этади. Ахборот эркинлигини мана шу тарзда тушуниш ижтимоий назорат зарурлигини ҳам эслатиб туради. Фикримизча, эркинликни англаш ва масъулиятни ҳис этиш туйғулари уйғун бўлсагина, шахснинг жамиятдаги ўрни, мавқеи, ҳурмат-эътибори янада юксалиб боради.

«Замонавий шароитда демократик тараққиёт инсон фаолиятининг барча соҳаларига ахборот-коммуникация технологиялари кириб боришига бевосита боғлиқ»<sup>6</sup>. Ахборотлашган жамиятда ахборот соҳасидаги муносабатлар ахборотни: а)яратиш; б)тўплаш; в)ишлов бериш; г)сақлаш; д)излаш; ж)тарқатиш; з)ундан фойдаланиш сабабли юзага келадиган ижтимоий алоқалар сифатида кўриб чиқилади. Яъни, ахборот соҳасидаги муносабатлар – ахборот жараёнларида юзага келадиган ва бевосита намоён бўладиган ижтимоий алоқалардир.

Бугунги кунда шахснинг ахборот эркинлиги қуидаги бир-бири билан ўзаро боғлиқ элементлардан таркиб топган:

- ўз фикр ва ишончига монеликсиз амал қилиш;
- ўз фикр ва ишончидан эркин воз кечиш;
- ўз фикр ва ишончини эркин ифода этиш;
- оғзаки ёки ёзма шаклда мулоқот қилиш, жумладан мулоқотдан ўзини тийиш;
- мулоқот тилини эркин танлаш (тилнинг ўзига хослиги);
- ҳар қандай воситалар ёрдамида ва давлат чегараларидан қатъий назар, ахборотни эркин излаш, олиш ва тарқатиш;
- ғоя ва билимларни имкон қадар эркин алмashiш ва уларни таққослаш; ахборот тўплашда иштирок этиш (фикрни оммавий ошкор этиш);
- ёлғон ва бузиб қўрсатилган хабарларни рад этиш ҳамда бундай хабарлар етказадиган заардан ҳимояланиш;

<sup>5</sup> [https://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/decl\\_press.shtml](https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/decl_press.shtml)

<sup>6</sup> Каримов Ф. Демократик тараққиётнинг муҳим омили // Демократлаштириш ва инсон хуқуqlари. – Тошкент, 2010. № 3. Б. 42.

- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва давлат органларига алоҳида ёки жамоа бўлиб мурожаат қилиш;
- эркин ижод қилиш ва ҳоказо.

Қолаверса, ахборот олиш эркинлиги ахборотни англаш, ундан фойдаланиш, кўчириш ва ҳимоя қилиш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган ҳукуқ нормаларининг шаклланаётган тармоқлараро комплекси сифатида ҳам эътироф этилмоқда<sup>7</sup>. Шу боисдан, ахборот олиш бўйича универсал ҳуқуқлар қўйидагилардир:

- 1) фуқаронинг шахсий ҳаёти ёки у ҳақидаги ахборот, шунингдек, фуқаро ҳаёти ва фаолиятининг бошқа соҳалари тўғрисидаги ахборотга маълум даражада тааллуқли бўлган барча ахборот тизимларини яратиш ва уларнинг фаолият қўрсатиши ҳақида билиш ҳуқуқи;
- 2) ижтимоий-иктисодий, маданий ёки бошқа социал мақсадлар учун шахсий ахборот тўплашга розилик бериш ҳуқуқи;
- 3) бундай ахборотнинг ишончлилигини текшириш ва маъмурий ҳамда суд тартибида ахборотнинг ишончсизлиги бўйича баҳслашиш ҳуқуқи;
- 4) бундай ахборотни текшириш, зарур маълумотлар олиш мақсадида ундан фойдаланиш ҳуқуқи;
- 5) ушбу ахборотдан фойдаланиш ҳақида билиш ҳуқуқи;
- 6) фуқаро коди ҳуқуқи (фуқарони тегишли ахборот тизимида қайд этиш);
- 7) атроф-табиий муҳит аҳволи хусусида ишончли ахборот олиш ҳуқуқи;
- 8) ишончли молиявий ахборот олиш ҳуқуқи ва бошқалар<sup>8</sup>.

Ахборот эркинлигининг сиёсий шартлари деганда, биринчидан, ахборот соҳасида аниқ белгиланган давлат сиёсати мавжудлигини тушуниш лозим. Конун нуқтаи назаридан, фикрлар хилма-хиллиги, эътиқод эркинлиги, мафкуравий плюрализм, тегишли ҳукукий нормалар орқали ўзига фикрлашга толерантлик билан ёндашган ҳолда, ахборот эркинлиги кўламини тушуниш тақозо этилади. Шу ўринда ахборот эркинлигининг ижтимоий аҳамияти, бир томондан, шахснинг ўзига хослигини тасдиқласа, иккинчи томондан, инсон қадр-қимматини ошириш, жамиятда тинчлик ва барқарорликни сақлаш учун ўзаро тушуниш, бир-бирининг фикрига тоқат қилиш ва келишишнинг самарали йўлларини излаш имконияти билан белгиланади. Бу ўринда матбуотнинг ва унда фаолият қўрсатадиган журналистларнинг ўрни бекиёсdir. Филология

<sup>7</sup> Краткий юридический словарь. – М., НОРМА, 2000. – С.95.

<sup>8</sup> Малько А. В. Право гражданина на информацию: необходимость, природа, гарантии реализации // Правоведение. 1995. – №3. – С. 15.

фанлари доктори Х.Дўстмуҳаммад, ҳозирги замон матбуотида журналистнинг касб одоби миллий менталитет, миллий ахлоқ-одоб ва миллий қадриятлар нормалари негизида шаклланиши зарурлигини, шунингдек, матбуот эркинлиги ва миллий қадриятлар мувозанатига эришиш қонуниятларини асослаб берган. Ўзбек олими «дунё миқёсида кузатилаётган ҳозирги замон ахборот цивилизациясининг мантиқий давоми ахборот маданияти ва одоби бўлиши кераклигини, инсоният тараққиёти шу йўналишдагина истиқбол сари бориши мумкинлиги»<sup>9</sup> ҳақида ёзади. Ҳозирги замонда ўзгаларнинг гап-сўзини хурмат қилиш, ўзининг фикри ва ишончини куч ёки босим билан мажбуран қабул қилдирмаслик учун ҳам инсонга ахборот эркинлиги маданиятини ўрганиш зарурати юзага келади. Шунингдек, ҳар бир инсон турли масалалар юзасидан шахсий фикр-мулоҳазаларни қонунда қатъий белгиланган меъёрда, эркин ифода этишни ҳам ўрганиши керак.

«Матбуотнинг тўрт назарияси» китобида <sup>10</sup> муаллифлар матбуот назариясини авторитар, либертариан, ижтимоий масъулият ва совет тоталитар назариясига бўлган. Авторитар назария XVI-XVII асрларда Англияда кенг тарқалган. Қирол, унинг ҳукумати ёки иккала ҳокимиятнинг мутлақ ҳукмронлиги унинг асоси ҳисобланади. Амалдаги ҳукуматни қўллаб-қувватлаш ва унинг сиёсатини юргизиш ҳамда давлатга хизмат қилиш мазкур назариянинг бош мақсади ҳисобланади. Унинг бошқа назариялардан фарқи шундаки, ОАВ ҳукумат мулки бўлиши шарт эмас, лекин давлат сиёсатини юргизишга хизмат қилиши керак.

1688 йилдан кейин Англияда ва АҚШда қабул қилинган либертариан назария, Милтон, Локк, Миллнинг тадқиқот ишлари ва рационализм ҳамда табиий ҳуқуқларнинг умумий фалсафасига кўра ишлаб чиқилган. Ахборот бериш, кўнгил ёзиш, пул топиш, лекин асосан ҳакиқатни топишга ва ҳукуматни назорат қилишга ёрдамлашиш унинг бош мақсадидир. Бошқа назариялардан ҳукуматни назорат қилиш ва жамиятнинг бошқа эҳтиёжларини қондириш воситаси эканлиги билан фарқланади.

XX асрда АҚШда ижтимоий масъулият назарияси кенг ёйила бошланди. Унинг асоси Хокинг ишлари, матбуот ва амалдаги журналистлар озодлиги комиссияси, ОАВнинг ахлоқ кодекслари ҳисобланади. Асосий мақсад ахборот бериш, кўнгил ёзиш, пул топиш, лекин асосан муаммони муҳокамага олиб чиқишдан иборат. Бошқа назариялардан сезиларли фарқи: ОАВ ижтимоий

<sup>9</sup> Дўстмуҳаммад Х. Журналистнинг касб одоби муаммолари: назарий методологик таҳлил. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2007. – Б. 216.

<sup>10</sup> Сиберт Ф.С., Шрамм У., Питерсон Т. Четырие теории прессы. – М.: Вагриус, 1988. – С.222.

масъулиятни ўз зиммасига олиши керак, акс ҳолда, уларни кимдир шундай бўлишга мажбур этиши лозим.

Совет тоталитар назарияси собиқ иттифоқда, шунингдек, баъзи қўринишлари нацистлар ва италияниклар томонидан амалиётга жорий этилган. Бош мақсади – социалистик тизимни, хусусан, партия диктатурасини қўллаб-қувватлаш ҳисобланган. ОАВ давлатга қарашли эканлиги ва давлат томонидан қаттиқ назорат қилиниши билан бошқа назариялардан фарқ қиласди.

Бизнинг таҳлилимизга кўра, ушбу асарда муаллифлар Ғарб мамлакатлари босиб ўтган назарияларни кетма-кетликда («авторитар-либертариан-ижтимоий масъулият») бериб, совет тоталитар назариясини алоҳида қўрсатадилар. Кўриниб турибдики, уларнинг фикрича, Ғарб матбуоти авторитар назариядан либертариан, сўнгра ижтимоий масъулият назариясига ўтган.

Ўзбекистонда эса матбуот XX асрнинг 20-йилларидан Чор Россияси давридаги авторитар назариядан совет коммунистик матбуот назариясига ўтди. Бу назария қарийб бир аср ҳукм сурди ва унга асосланган ОАВ одамлардаги мустақил фикрлашни чегаралади.

Хўш, совет тоталитар матбуот назариясидан либертариан назарияни сакраб ўтиб ижтимоий масъулият назариясига ўтиш мумкинми? Бошқача айтганда, танқидга қўнишиш, янги фикрни эшлиши, агар ўринли бўлса, қабул қилиш бизда нега машаққат билан кечмоқда? Назаримизда, бу ерда жамиятнинг иқтисодий салоҳияти ҳам муҳим ўрин тутади. Оммавий ахборот воситаси биринчи навбатда иқтисодий жиҳатдан ўзини-ўзи таъминлаши, бирорнинг ёрдамига таяниб қолмаслиги даркор. Зарур маблағ, аввало, ракобатбардош корхоналарнинг маҳсулотларини реклама қилиш эвазига топиш мумкин. Бунда ривожланган Ғарб босиб ўтган йўлни ўрганишимиз зарур. Шу нуқтаи назардан қараганда, либертариан назария элементлари бугун ҳаётимизга кириб келганлиги кўриниб турибди. Бугунги Ўзбекистон ОАВлари ахборот бераяпти, алоҳида маданий-музиқий кўнгилочар теле ва радио дастурлар мавжуд, ҳатто қўплаб нашрлар чоп этиляпти, ҳақиқатни топишга, ижтимоий назорат ўрнатишга ҳаракат қилингапти.

Қонунларнинг аҳамиятини рад этмаган ҳолда, айтиш мумкинки, биргина қонун чиқариш билан иш битмаслигини, ахборот эркинлиги ҳукмон бўладиган ҳаётга биринчи навбатда давлат ва жамият бошқаруви тизимидағи масъул раҳбарлар ва фуқароларни сабр-тоқат билан ўргатиш, ўргатганда ҳам босқичмабосқич ўргатиб бориш талаб этилади.

Замонавий илмий қарашларда кенг жамоатчиликнинг фаол иштироқида қабул қилинган тўғри қарорлар жамият равнақига кўпроқ ва самаралироқ

хизмат қилишига ургу берилади. «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари «тасарруфидаги ахборотдан оддий фуқаронинг воқифлиги йўлга қўйилгани сайин жамиятда ижтимоий масъулият туйғуси шаклланади, тарбия топади»<sup>11</sup>. Одамларнинг, ўз муаммоларини эркин муҳокама этиш ҳуқуқи чекланмаслиги муҳимдир. Давлат эса бу ҳуқуқларни тан олиши ва ҳимоя қилиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Қонун устуворлигини таъминлаш ҳар бир фуқарога тегишлидир. Биз қабул қилинган қонунлар муҳокамасини, тарғиботини яхши ташкил этсак, қонунга дахлдор соҳаларда ўзимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларимизни тўғри қўлласак, ҳуқуқларимиз бузилганда ўзимизда ва атрофимиздаги кишиларда фақат судга мурожаат қилиш ҳиссини уйғота олсак, қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунни ҳимоя қилишга кўмаклашган бўламиз.

Акс ҳолда ишламайдиган қонунлар пайдо бўлаверади. Жамоатчилик назоратини ўрнатиш, фуқаролар ҳуқуқлари бузилишига муносабат билдириш ахборот воситаларининг бурчидир. Демак, ОАВ жамоатчилик назоратини ўрнатадиган асосий демократик институт ҳисобланади. Лекин, афсуски, ислоҳотлар моҳияти, қонун ва қарорлар бажарилиши билан боғлиқ муаммолар, аҳоли мурожаатлари юзасидан газета, телевизия ва радиоканалларда танқидий мақола, кўрсатув ва эшиттиришлар жуда кам. «Ваҳоланки, ислоҳотлар жараёнида оммавий ахборот воситалари халқ манфаатларининг чинакам ҳимоячисига айланиши лозим. Бунинг учун улардан шиҷоат, профессионал маҳорат, холислик ва чуқур таҳлилий салоҳият талаб этилади»<sup>12</sup>. Ўзекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев бу ҳақида шундай деган эди: «Оммавий ахборот воситалари аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини ҳокимият идораларига етказишининг муҳим ва таъсирчан воситасига, халқининг энг яқин кўмакчиси ва ҳамдардига, демократия кўзгусига айланиши зарур»<sup>13</sup>. Давлатимиз раҳбари тўғри таъкидлаганидек, ОАВ фаолиятини янада эркинлаштириш, уларни жамиятда ижтимоий фикрни шакллантирувчи кучга, ўтказилаётган ислоҳотларнинг жарчиларига айлантиришга асосий вазифа сифатида қараш зарур. Бизнингча, жамият аъзолари ўртасида ижтимоий сўровлар ўтказиб туриш, қонунлар ижросини ОАВ орқали бериб бориш жамият ҳаётини тубдан яхшилашга олиб келади. Яқинда ОАВ учун медиа бозорда тенг шароит яратиш ва уларни янада ривожлантириш ҳамда журналист ва

<sup>11</sup> Дўстмуҳаммад Х. Ахборот – мўъжиза, жозиба, фалсафа. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2013. – Б.12.

<sup>12</sup> Мирзиёев Ш.М. Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир. <http://www.aza.uz/oz/politics/bilimli-avlod-buyuk-kelazhakning-tadbirkor-khal-farovon>. 08-12-2018.

<sup>13</sup> Мирзиёев Ш.М. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойdevоридир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – Б.31.

блогерларни қўллаб қувватлаш мақсадида Ўзбекистонда Миллий медиа ассоциацияси ташкил этилди. Оммавий ахборот воситаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, журналистлар ва блогерлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларга ҳукуқий, ташкилий, техник сингари ёрдам қўрсатиш жамоат фондининг вазифаларидан хисобланади. Шу билан бирга жамоат фонди миллий масс-медиа ҳамжамиятининг ўзини-ўзи бошқариш механизmlарини ишлаб чиқишига кўмаклашади. Бундан ташқари мазкур жамоат фонди босма ОАВга ҳам эътибор қаратиб уларни ривожлантиришга ёрдам бермоғи лозим.

Дунё мамлакатларида ахборот эркинлигини ҳимоя қиладиган органларининг фаолият юритиши янгилик эмас. Бундай органлар жаҳондаги бир қанча давлатларда таъсис этилган ва фаолият юритмоқда. Мисол учун, Францияда Аудиовизуал коммуникациялар бўйича олий кенгаш, Англияда – Мудофаа, матбуот, телекўрсатув ва радиоэшиттириш ишлари қўмитаси, Германияда Оммавий коммуникациялар комиссияси, Россияда Ахборот баҳслари бўйича суд палатаси мавжуд. Бу органлар турли вазифаларни бажаради. Жумладан, Францияда Олий кенгаш ахборот сиёсатини белгилайди, Германияда Оммавий коммуникациялар комиссияси эълон қилиниши таъкиқланган нашрлар рўйхатини тасдиқлайди. Бундан ташқари, ахборот соҳасидаги баҳсли масалаларни ҳал этади.

Ҳар бир фуқаро ахборот эркинлигининг ролини теран англаши керак. Шу билан бирга фуқаролар ахборотни эркин тарқатишида қонун томонидан ҳимоя қилинган мустақил фикрлаш, ўз фикри ва эътиқодига риоя қилиш орқали, агарда бошқаларнинг эркинликлари бузилмаса ва ўзгаларнинг манфаату қадриятлари билан ҳимояланадиган ҳуқуқларга нисбатан ҳеч қандай хавф туғдирмаса, ҳеч кимнинг аралашувисиз тарқатиш имкониятига эга бўлади. Аслини олганда, бу шахс маънавий дунёсининг дахлсиз эканлигини англатади. Бу ўринда давлат бошқа субъектларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чекламайдиган, ҳуқуқий ҳимояланадиган обьектларга зарар етказмайдиган фикр ва ғоялар билан эркин алмашишга тўсқинлик қилмаслик мажбуриятини ўз зиммасига олади. Агар биз ижтимоий масъулиятни ҳаётга татбиқ эта олсак, жамият демократик тараққиёти янада тезлашади.

## ХУЛОСА

1. Давлат ахборот сиёсатини ишлаб чиқиш ва миллий мафкурани оммага сингдиришида журналистиканинг ижобий масъулиятидан самарали фойдаланиш лозим.
2. Жаҳон ахборот жамиятини шакллантириш шароитида глобал ахборот тармоқларида ахборот эркинлигини амалга оширишнинг янги муаммоларини

ажратиб кўрсатган ҳолда, Интернет тармоғида ахборот эркинлигининг таъминланиши таҳлил қилиб борилиши зарур.

3. ОАВ ўз хусусиятига кўра, фуқаролик жамиятининг муҳим демократик институтларидан бирига айланиш имкониятига эгадир. Журналистиканинг ижтимоий ролини оптималлаштириш эса жамиятни соғломлаштириш учун шароит яратади.

4. ОАВ фуқароларга ўз фикрини эркин билдириш ҳуқуқини амалга ошириши орқали жамиятни демократик бошқаришда бевосита иштирок этишини таъминласа, ўзининг муҳим вазифаларидан бирини бажаради. Шунингдек, оммавий ахборот воситаларидағи ижодий муҳит соғломлаштирилса, фуқаролик жамияти тузилмасига киритиш мумкин.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Международные акты о правах человека. Сб. документов. М.: НОРМА-ИНФРА, 1998. – С. 15.
2. Popper, Karl Raimund, The open society and its enemies. Princeton, N.J., 1963. – P.59.
3. Общая теория государства и права. – М., 1994. – С. 239.
4. [https://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/decl\\_press.shtml](https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/decl_press.shtml)
5. Мирзиёев Ш.М. Ҳозирги замон ва Янги Ўзбекистон. – Тошкент: “O’zbekiston” нашриёти, 2024, 560 б.
6. Каримов Ф. Демократик тараққиётнинг муҳим омили // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. – Тошкент, 2010. № 3. Б. 42.
7. Краткий юридический словарь. – М., НОРМА, 2000. – С.95.
8. Малько А. В. Право гражданина на информацию: необходимость, природа, гарантии реализации // Правоведение. 1995. – №3. – С. 15.
9. Дўстмуҳаммад Х. Журналистнинг касб одоби муаммолари: назарий методологик таҳлил. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2007. – Б. 216.
10. Сиберт Ф.С., Шрамм У., Питерсон Т. Четырие теории прессы. – М.: Вагриус, 1988. – С.222.
11. Дўстмуҳаммад Х. Ахборот – мўъжиза, жозиба, фалсафа. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2013. – Б.12.
12. Мирзиёев Ш.М. Билимли авлод – буюқ келажакнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир. <http://www.uza.uz/oz/politics/bilimli-avlod-buyuk-kelazhakning-tadbirkor-khal-farovon. 08-12-2018.>

13. Мирзиёев Ш.М. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – Б.31.